

Давра суҳбатида

2018 йил 31 январь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация” факультети , “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси доценти Сатбай Нуржанов, Сафар Мансуров, тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротовлар томонидан режа асосида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 80 йиллиги юбилеи муносабати билан давра суҳбати ўтказилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 25 йил ичида ва ташқи сиёсатда ўз йўлини танлаб, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин ва мавқега эга бўлиши, дунё давлатлари билан тинчлик-барқарорлик, тенглик ва ўзаро манфаатдадорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда Биринчи Президентимизнинг пухта ўйлаган қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимиз тараққиёти йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, юксак фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилгани халқимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолди.



4-сонли ТТЖ тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов